

УУТ: 595+632. 937

**ОЛМА ҚҰРТИ (CAROCOPCA POMONELLA L.) ТУХУМХҮРИ  
TRICHOGRAMMA EMBRIOPHAGUMНИ БИОЛОГИК  
САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

**Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна**

Доцент, Андижон қишлоқ хұжалиги ва агротехнологиялар институти

**Хамдамов Жамшидбек Кимсанбоевич**

Магистр, Андижон қишлоқ хұжалиги ва агротехнологиялар институти

**Анотация:** Ушбу макрла трихограммаминг олма бөгларида учрайдиган олма қуртига қарши қўллашга багишлиланган. Трихограмманинг олма қуртининг тухумларига қарши фойдаланишда 1:10 нисбатда 75 фоиз биологик самара олинган.

**Калит сўзлар:** Куртлар, тухумлар, зааркунанда, энтомофаг, паразит, усимликларни биологик ҳдмоя қдлиш.

**Annotation:** This technique is intended to be used against Trichogramma against apple worms living in apple orchards. The use of Trichogramma against apples of the apple worm in a ratio of 1:10 showed 75% biological effectiveness.

**Key words:** worms, eggs, pests, entomophages, parasites, biological protection of plants.

**Кириш.** Олма қуртининг тухумини бирнечта паразитлари бўлиб, улар ичида ихтисослашган тури *Trichogramma embryophagum* Htg дир. Бу тур олма биоценозида зааркунандани сонини бошқаришда муҳим ахамиятга эга.[ 1 ]

Олма меваҳүрининг зарари асосан мевани шикастлаши, уни сифатини пасайтириб, хрсилдорликни камайтириш билан ифодаланади. Турли йилларда, **иклим** шароит, хамда табиий кушандаларнинг ахамиятига қараб бу ҳашаротга

қарши курашилмаса, у уругли мева дараҳтларининг ҳосилдорлигини 30% дан хатто 50% гача камайтириб юборади. Заарланган шикастланган мевалар тўкилиб кетади. Бу зааркунанданинг бир нечта кушандалари бўлиб уларга олтинкўз, хонқизи, йиртқич қушандалар ва унинг ихтисослашган паразити трихограмма бўлиб унинг тухумлик даврида нобуд қиласиди айниқса *Trichogramma embryophagum Htg.* олма куртига қарши яхши самара беради.[5]

**Услублар ва материаллари.** Тошкент вилояти, қибрай тумани “солар агромакс” фермер хужалигида 2015- 2016 йилларда олиб борилди. Трихограмма эмброфагум хитойдан интродуксия килиниб, шу хужаликда иқлимлаштирилади.

Трихограмма эмбриофагумни лабаратория шароитида мумкуяси, ситотрода тухумларида купайтирилиб ишлаб чиқаришда қўлланилди.

Олма куртини заарлаш пакана боғларда олиб борилди. Тажрибалар ҳар 100 тупдан заарланган 30 та новдаларда олиб борилди. Тажрибалар 5 қайтариликдан иборат бўлди. Тажриба натижаларига статистик ишлов бериш Доспехов бўйича олиб борилди. Биологк самарадорликни Аббот(1925й) формуласи ёрдамида аникланди.[ 3,4]

100x(A Ҷ-Ва)

Бс = - -----

A<sub>В</sub>

Бунда, Бс- биологик самарадорлик, %

А- тажрибада ишловдан олдин зааркунанда сони, дона

в- назоратда ишловдан сўнг зааркунанда сони, дона

В- тажрибада ишловдан сўнг зааркунанда сони, дона

а- назоратда ишловдан олдин зааркунанда сони, дона

***Trichogramma embryophagum Htg.*** Ушбу тур имаголарнинг катталиги 1 мм, ранги оч сариқ. Асосан ўрмон ва боғдорчилик худудларида купроқ учрайди. Паразитнинг катталиги 3 мм. Ранги сариқ ҳаво ҳароратининг ошиши унинг фаоллигини оширади. Паразит тухумларини ўрмон ва боғдорчиликда тангақанотлилар тухумларига қўяди. Бир авлоднинг ривожланиши тоғли

худудларда 20 кунгача давом этади. Ушбу шароитда 4-5 авлод беради. Паразит личинкалик даврида хужайин тухумлари ичида қишлиайди.

Трихограмма доминант турлари экологиясининг ўзгариши шуни кўрсатадики, улар факат морфологик белгилари билангина эмас, балки гидротермик жихатдан хам тафовут қиласи. Масалан, Қашқадарё вилоятида аникданган маҳаллий оддий трихограмма тури  $+25^{\circ}\text{C}$  ҳароратга ва 30% ҳаво намлигига бардош беради. [3]

**Тадқикот натижалари** Ўтказилган тажрибаларимизнинг натижасидан маълумки олма куртининг тухумларига қарши трихограмманинг ҳўжайинга нисбатан ҳар хил микдорда кўйилганда уларнинг биологик самарадорлиги турлича бўлиб, унинг 1:10 нисбатида кўйилганда 8,2 олма қуртини тухумидан 7,2 таси 3 кундан сунг қолган, 5 кунга улар сони яъни заарланмаган тухумлар сони 3,4 тани ташкил этди ёки унинг биологик самарадорлиги 59% ни ташкил этди.

Кузатувни 7 кунида 2,1 дона тухум заарланган бўлиб унинг биологик самарадорлиги 75% ни ташкил этди. Трихограммани 1:5 нисбатида кўйилганда 30 новдадаги ўртacha 7,9 дан тухум тўғри келиб, 3 кундан сўнг улар

**Trichogramma embriophagum** ни Олма куртига карши турини қуллаш самарадорлиги.

1-жадвал

Трихограмман иолмакуртиту хумларига каршинисбати паразит:тухум	Ҳар 30 тановдадаги тухумлар сони			Биологик самарадорлиги, %		
	Трихограмма чиқари шдано лдин	Трихограмма чикарилгандан кейинги кунлар		3	5	7
		3	5	7	3	5
<b>1:10</b>	<b>8,2</b>	<b>7,2</b>	<b>3,4</b>	<b>2,1</b>	<b>12,0</b>	<b>59,0</b>
<b>1:15</b>	<b>7,9</b>	<b>7,8</b>	<b>4,3</b>	<b>3,5</b>	—	<b>46,0</b>
<b>1:20</b>	<b>8,3</b>	<b>8,3</b>	<b>5,2</b>	<b>4,1</b>	—	<b>38,0</b>
<b>Назорат</b>	<b>8,3</b>	<b>8,9</b>	<b>10,3</b>	<b>14,7</b>	—	—

**1-жадвал сони 0,1** донага қисқарган, **5** кунда эса 4,3 дона тухум заарланмасдан қолган ёки унинг биологик самарадорлиги **46%** ни ташкил этган бўлиб, **7** кунда 3,5 дона тухум заарланмасдан қолган унинг биологик самарадорлиги **55,5%** ни ташкил этган.

Тажрибанинг 1:20 нисбатда қўйилганда 3 кундан сўнг заарланган тухум кузатилмади. Тадқиқотларимиз 5 кунида 5,2 дан олма курти заарланган бўлиб унинг биологик самарадорлиги 38% бўлган 7 кунга келиб заарланган тухумлар сони 4,1 дона бўлиб биологик самарадорлиги 51% булган. [1,4]

Тажрибанинг назорат вариантида 8,3 дона тухум 5 та новдадаги ҳосил органида кузатилган бўлса тажрибанинг 5 кунида эса 14,7 донага қўпайгани қайд этилди.

Шундай қилиб олма куртини тухумларига Trichogramma embriophagum 1:10 нисбатда куйилганда 75 фоизгача юқори самара бериши кузатилди.

**Хулоса, таклиф ва тавсиялар.** Зааркунандаларга қарши биологик курашнинг ўрни жуда мухим бўлиб айниқса олма қуртининг тухумларига ихтисослашган паразита булган *Trichogramma embriophagum* қўллаш яхши самара беради. [1,5]

Ўтказилган тажрибалар *Trichogramma embriophagum* ни олма қуртини тухумларига қарши қўллашда ҳар хил нисбатлар тарқатиб кўрилди ва зааркунандаларнинг нобуд бўлишига қараб зааркунандаларнинг нисбатлари кўпайтириб борилади, яъни 1:10; 1:15; 1:20 нисбатларда боради. Бу тартибда кўпайтириб борилиши трихограмманинг биологик самарадорлиги энг юқори бўлган нисбатини аниқлашдир.

Тадқиқотимиз давомида шу маълум бўлдики олма қуртига қарши трихограмма эмбриофагумни 1:10 нисбатда куллаганимизда 75 фоиз натижага эришилди.

**“Узбекистонда озиқ-овкат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавот ҳамда узумчилик соҳасининг роли ва аҳамияти”** Халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиси ҳакида маълумотлар:

Муаллифнинг Ф.И.Ш.	Ш.Эсанбоев
Илмий даражаси, унвони:	К.;Х.Ф.Н
Ловозими:	Доцент
Ташкилот номи	Тошкент Давлат Аграр Университета
Почта оркали алок;а манзили	Тошкент вилояти К,ибрай тумани университет қучаси 2 уй
Тел:	+9989998032120 *
Факс:	
E-mail:	
Маъруза тури (ялпи мажлисда, шуба йигилишида)	Шуба йигилишида
Шуба йуналаши:	5-шуба
Маъруза мавзуси:	Олма қурти ( <i>carposcorca pomonella</i> L.) тухумхури <i>trichogramma embriophagumwi</i> . биологик самарадорлигини аниқлаш
Муаллифлар Ф.И.Ш.	Гозибеков А.С, Бойдиев.Ш.Ш
Сана:	19.04.2017
Имзо.	

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, Ш.Эсанбоев. Мевали боф зараркунандалари ва уларга к;арши биологик усулни кўллаш асослари. Т: Extremum press, 2015.-144.
2. Доспехов.Б.А, методика плевого опыта: Москва: Колос 1985 - 145c
3. Гар. К.А Методы испитаний токсичности и эффективности инсектицидов М 1963.-287 с
4. Abbotts W.S.A method of computing the effectiveness of insecticide. 1925 - 156
5. Атамирзаева Т.М. Фауна и экология трихограмма ( Hymenoptera, Trichogrammatidae, Trichogramma) Узбекистана. — Автореф. канд. дисс... по спец. 03.00.09. Энтомология. - Ташкент (УзНИИЗР), 1994. С -20.